

## ЯНГИ ДАВР ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН ҚАЛБИНИНГ ФАЛСАФИЙ-АНТРОПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси,  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6527120>

*Аннотация.* Мазкур мақолада янги давр Ғарб фалсафасида инсон қалби тўғрисидаги фалсафий қарашларнинг тадрижий такомиллашуви таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада инсон қалбиниң зарбона талқини ва инсон манавий-руҳий олами тўғрисидаги фалсафий антропологик қарашларнинг шаклланиши баён қилинган.

*Калит сўзлар:* қалб, жон, руҳ, руҳий қувват, инсон қалби, маънавий-руҳий олам, руҳият, фалсафий антропология.

## ФИЛОСОФСКО-АНТРОПОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВНУТРЕННЕГО МИРА ЧЕЛОВЕКА В ЗАПАДНОЙ ФИЛОСОФИИ НОВОГО ВЕКА

*Аннотация.* В данной статье анализируется постепенное совершенствование философских взглядов на человеческое сердце в современной западной философии. В статье также описывается западная интерпретация человеческой души и формирование философско-антропологических взглядов на духовный мир человека.

*Ключевые слова:* сердце, душа, душа, духовная сила, сердце человека, духовный мир, психика, философская антропология.

## PHILOSOPHICAL AND ANTHROPOLOGICAL ANALYSIS OF THE HUMAN INTERNAL WORLD IN THE WESTERN PHILOSOPHY OF THE NEW AGE

*Abstract.* This article analyzes the gradual improvement of philosophical views on the human heart in modern Western philosophy. The article also

*describes the western interpretation of the human soul and the formation of philosophical anthropological views on the human spiritual world.*

**Keywords:** *heart, soul, soul, spiritual power, human heart, spiritual world, psyche, philosophical anthropology.*

**Кириш.** «Инсоннинг табиатан яхшилиги ёки ёмонлиги муаммоси янги давр фалсафий-тарихий мулоҳазаларининг марказий масаласига айланади: Бу масала Паскал, Гельвеций, Дидро ва Руссо фалсафасида янги қарашлар билан бойитилади. Ана шу муаммонинг ечимига қараб инсон ҳақидаги турли таълимотлар юзага келиб, инсон табиатининг моҳиятини асослашга бўлган уринишларда асосан инсоннинг жамиятда мавжуд бўлган муайян ахлоқий нормаларга риоя қилиши кераклиги талаб қилинди»[1;12]. Декарт бўлса, руҳият ва онгнинг айнанлигини тан олиб, инсон иродаси орқали хоҳиш-истаклар устидан мутлақ ҳукмронликка эришиши мумкинлигини айтади. Спиноза фикрича, эҳтирослар устидан тафаккур қудратини мутлақлаштириш тўғри эмас. Дэвид Юм бўлса, ақл истақларнинг хизматкорига айланиб, унга хизмат қилиши ва итоат этиши керак, деган фикрни билдиради.

Класик фалсафа инсон муаммосига бепарволик билан қарар, инсон тўғрисида умумий фикр юритар эди, ноқлассик фалсафа бўлса, инсон ҳаётининг барча қирраларини кўра билиш, унинг хис-туйғулари, қалб истақларини ўрганиш зарурлигини таъкидларди. Дастлаб С.Керкеорнинг экзистенциал фалсафасида инсоннинг мавжудлиги масаласи, Шопенгауернинг ирода фалсафаси орқали ахлоқий фаолият йўналишлари ва қалб истақларининг намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Шопенгауер инсон табиатига худбинлик, ғазаб-нафрат ва раҳм-шавқат каби хислатлар хос деган фикрни келтиради. Худбинлик, ғазаб-нафрат инсонни маънавий инқирозга етакласа, раҳм-шавқат маънавий етуклик асосидир. Ҳаёт фалсафаси вакили Фридрих Ницше инсон қалбида махлуқлик ва холиқлик истақлари бир бутун бўлиб уюшиши ва инсон баркамоллиги учун холиқлик хислатларини ўзида

жамлай билиши керак, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қалбда холиқлик юксалмоғи учун инсон ўз нафсини назорат қилишни ўрганмоғи керак ва виждон инсон хатти-харакати, хулқ-атворини назорат қилувчи «энг олий ҳакам, Худо овози» бўлмоғи зарур. Файласуф аввалдан инсонга «ҳукмронликка интилиш иродаси» берилганлигини таъкидлайди.

Экзистенциализм фалсафаси инсонни ўта ноёб мавжудот эканлигини исботловчи бир қатор янги онтологик далилларни келтиради. Ҳамиша инсон ўз «мен» ини топишга интилади. «Мен»нинг ҳақиқий қиёфаси «мен эмас», яъни инсонга хос бўлмаган қилиқлар, одатлар, инсон борлиғига душман бўлган бегоналашувнинг рамзи эди.

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** XX асрнинг 20-йилларида инсон тўғрисидаги назарий билимларни қайта кўриб чиқиш натижасида фалсафий антропология оқими шаклланди ва ҳозирги замон фалсафий оқимларининг ёндашувларини ўзгартириб, махсус инсон фалсафасини ривожлантирди. Фалсафий антропология инсоннинг табиати табиийлик ҳолати чегарасидан чиқиб кетганлигини илгари сурди. Натижада ўз ичида янгича оқимлар бўлган жисмоний антропология ва зоопсихология, америка маданий антропологияси ҳамда инглиз ижтимоий антропологияси шакллана бошлади.

Фалсафий антроологияни ривожлантирган файласуфлардан бири А.Гелен ҳисобланади. Унинг қарашлари Ницшенинг инсон тўғрисидаги қарашлари таъсирида шаклланади. Мутафаккир инсоннинг ҳайвоний инстинктларини ва уни фаол ҳаётий фаолиятга таъсирини ўрганади. Унинг таълимоти инсон ва ҳайвон биологик тузулишини солиштиришдан келиб чиққан фарқлар асосида ўзининг биологик хусусиятлар устуворлик қиладиган ёндашувини яратади. А.Гелен ўз қарашларида маънавий руҳият (қалб) фақатгина инсонга хос эканлигини таъкидлайди. Лекин инсон тўлиқ бўлмаган, чала-ярим биологик мавжудот сифатида талқин қилинади ва ҳайвонот олаמידан ўзининг муайян муҳитга боғланмаганлиги, мослашув

қобилияти мавжудлиги, ўз тақдирини ўзи хал қила олиши билан фарқланади. Инсон ўзини сақлаб қолиш учун у янги шарт-шароитларни, муҳитни, ўз ҳаёти учун зарур бўлган омилларни яратишга мажбур бўлади. Жумладан, ўзини ҳам ўзгартириб, ўзи яратган сунъий муҳитда истиқомат қилади. Шундай қилиб, биологик жиҳатдан мослашмаган «чала-ярим» инсоннинг фаол мавжудот эканлигини А.Гелен ўз тезиси орқали асослаб берди. Шундай қилиб, А.Геленнинг антропология таълимотига биноан, «табиат инсонни «инсоний» қилиб яратди, унга ҳайвоний инстинктларни бермади»[2;305]. Файласуф инсонни ўзига хос тана тузилиши уни биологик жиҳатдан тўлиқ эмаслигини асослайди ва маданийлашганлигини келтириб чиқаради. Мутафаккир инсон ботиний олами, қалби масаласини инстинктга ўхшаш импульслар тушунчаси орқали очиб беради. Унинг фикрича, «инсонда бири-бири билан боғланмаган, фарқ қиладиган инстинктга ўхшаш ижтимоий шакллантирадаган импульслар мавжуд. Ижтимоий хулқ-атвор йўналишини туғма импульс сифатида берилган йиртқичлик, босқинчилик инстинкти аниқлайди. Босқинчилик энергияси турли хулқ-атвор шакллариغا ўтиб кетади»[2;305]. Шундай экан, А.Гелен қарашларида инсоннинг маданий, маънавий-ахлоқий имкониятлари ва майллари тан олинмайди. Инсон қалби, иродаси аҳамиятини тўғри баҳоламайди, инстинкт майлига бўйсундириб талқин қилади ва биоинстинктив хусусиятларни бўрттириб кўрсатади.

**Муҳокама.** Фалсафий антропологиянинг бир тармоғи бўлган маданий антропология вакили М.Ландман А.Гелен қарашларидаги зиддиятни тўғрилаб, инсоннинг руҳий ва биологик мавжудлигини тан олган ҳолда ўз қарашларини илгари сурди. М.Ландман фалсафасига кўра, инсон моҳиятидаги маънавийлик фақат инсонга хос хусусият бўлиб, танада руҳият устуворлик қилади. Унинг фикрича, руҳият тананинг тўлдирувчиси эмас, балки асосий сабабидир. Шундай қилиб, М.Ландман А.Гелендан ўзгачароқ, инсон асли бошидан руҳий мавжудот сифатида яратилган, унинг биологик хусусияти тасодифият натижаси эмас, балки ҳаётнинг қонуниятли

таракқиётидир. У ўз қонунини руҳият марказидан олган, деган хулосага келади. Шундай тарзда биологик фалсафий антропологияга боғланган ҳолда ҳамда бу оқимнинг дастлабки намояндалари билан мунозара юритган ҳолда биологик антропология инсонни соматик руҳиятидан келиб чиқиб, унинг бутун борлиғини якка тизим сифатида, яъни тана ва жон бирлиги, ундан ҳам юқорида даражада турган объектив руҳ билан муносабатини тан олмайди. Мутафаккир ўз қарашларида биологизм ёндашувидан узоқлашиб, инсоннинг руҳий томонига ҳам эътибор қаратган бўлса ҳам, инсоний қалб тўғрисида тўхталмайди. Лекин, қалбни объектив ва субъектив руҳ муносабати тўғрисидаги қарашлари орқали изоҳлайди. Унинг фикрича, «инсон объектив руҳнинг маҳсули, ҳам қуролидир. Объектив руҳ инсондан илгари мавжуд бўлади, бир вақтнинг ўзида унга ҳам боғлиқ. Якка инсон учун табиий олам шаклланган, одатий тафаккур учун бирламчи ролни ўйнаганидек, объектив руҳ ҳам субъектив руҳ учун бирламчилик мақомини касб этади»[2;309]. Яна бир мутафаккир Хаммер инсон мавжудлигини муҳаббат муносабатлари орқали ёритиб беради. Унинг фикрига кўра, эркак ва аёлнинг муҳаббати икки қалбни бўлинганлигини аниқ намоён қилади. Улар бирлашганда тўлиқлик юзага келади. Ўз иккинчи ярмини топмаган инсонлар ўзини жуда ғариб ҳис қиладилар ва унинг ўрнини бошқа нарсалар билан тўлдиришга ҳаракат қиладилар.

Профессор Г.Рузматова ўзининг руҳият таҳлиliga доир тадқиқотларида, инсон руҳиятини – «У» (онгсизлик), «Мен» (онг), «юқори-Мен», «идеал Мен» (виждон)дан ташкил топганлиги ҳақидаги фрейдча ёндашувни қайд этади. «Лекин инсон руҳиятига бундай қарашлар қатор фалсафий асарларда ўз аксини топган. Жумладан, Пифагорда инсон қалби ақл, мушоҳада (фикр) ва эҳтиросга бўлинади. Пифагорнинг шогирди Арез Кротонский ҳам инсон қалбини уч қисмдан иборат дейди: ақл, эҳтирос ибтидоси ва «хоҳловчи» асос. Афлотун эса инсон қалби тафаккур, ҳукмдорлик ва «ғайриақлий-жумбишқорлик» бошланғичидан иборат бўлади,

дейди. Инсон қалбини учликка бўлиш кейинги файласуфларнинг асарларида ҳам учрайди. Хусусан, Ницше ички уч омил: «ирода», «рух», ва «Мен»ни кўрсатади. Афлотун, Кьеркегор, Шуберт, тасаввуфда, шунингдек, ўзбек файласуф-олими Омонулла Файзуллаев[3;62] инсонни тана, рух ва жонга бўлади»[1;29]. Шундай экан, инсон моҳияти тўғрисидаги учлик назариялари ҳам фалсафа тарихида қалбни англашда муҳим аҳамиятга эга.

**Натижалар.** Ушбу тадқиқот ишининг объекти бўлган машҳур Ғарб мутафаккири Эрих Фромм ҳам фалсафий антропология вакили сифатида қалб моҳиятига, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка мойиллигига алоҳида эътибор беради. Янги жамиятда шаклланаётган бундай характер ва хислатлар инсон табиати ва унинг руҳиятини қайта кўриб чиқишни, унга янгича ёндашувни талаб қилади. XX асрдаги урушлар ва глобал ўзгаришларни кўрган файласуф сифатида Фромм инсон табиати ва қалбдаги майлларни янгича психоаналитик қарашлар асосида тадқиқ қилади.

Инсон қалби Фромм таълимотида руҳий моҳият сифатида намоён бўлади. Унинг мазмуни даврдан ташқарида бўлган инсоннинг экзистенциал эҳтиёжи орқали очилади. У инсон ривожига ижтимоий муҳит ролини тан олади. «Бироқ ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай шаклини тузишда инсон табиатининг туғма эҳтиёжлар тизими ҳал қилувчи аҳамият касб этишини эътиборга олиш зарурлигини таъкидлайди»[1;162]. Инсоннинг ёвузлик ҳолати - ўзини эзиб турган, босимда ушлаган, маълум бир қолиплар ичида яшашга мажбурлаган ҳолатлардан озод бўлишга фожиавий уриниш орқали юзага келади. Умуман олганда, инсон эзгуликка ва ёвузликка мойил ва керакли пайтда улардан қай бирининг намоён бўлиши инсонни мавжудлигини белгилаб беради.

**Хулоса.** Эрих Фромм инсон қалбининг эзгуликка лаёқатини ундаги озодликка интилиш, муҳаббат, ижодкор интеллектга эга бўлиш каби истакларда кўрса, ёвузликка бўлган майлини зўравонлик, тажовузкорлик ва бузғунчиликни келтириб чиқарувчи садизм, мазохизм, нарцизм, некрофилия

каби тенденцияларда деб билади. Ушбу майлларни моҳияти, келиб чиқиши, инсон ва жамиятга таъсирини тадқиқ қилиш орқали ўзининг қалб концепциясини ишлаб чиқади. Фромм фикрига кўра, ёвузлик инсоний ҳодиса бўлиб, ақл, ижодкорлик, муҳаббат ва озодлик хусусиятларини йўқ қилишга бўлган интилишдир.

### *Адабиётлар рўйхати*

1. Рузматова Г. Руҳият таҳлили фалсафаси. Тошкент: Нишон-ношир, 2014. –Б.12.
2. Йўлдашев С ва бош. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б.305.
3. Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ. –Тошкент: Академия, 2008. –Б.62
4. Фалсафа қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004, –Б.110.
5. Тўлаганова С. Руҳ ва адабиёт // Тафаккур журнали, 2018. № 1. –Б.78-79
6. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафатул қулуб. –Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.19.
7. Платон. Сочинения. В трех томах. Т. 3, ч. 1. –М.,1971. –С. 391.
8. Чориев А. Инсон фалсафаси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007. –Б.59.
9. Рузматова Г. Руҳият таҳлили фалсафаси. –Тошкент: Нишон-ношир, 2014. –Б. 264.
10. Раҳмон Кўчқор. Қалб илми эгаси // Жаҳон адабиёти. -2013. № 3. –Б. 177-179.
11. Уэллс Г. Крах психоанализа. От Фрейда к Фромму. – Москва: Прогресс, 1968. –С.287.
12. Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ. –Тошкент: Академия, 2008. –Б.62.

13. Madina Nasretdinova, Dilshod Toshaliyev, & Durдона Raimjon Qizi Murodova (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. Scientific progress, 3 (2), 846-850.
14. Ahadjonovich, K. A. (2021, January). SCIENTIFIC AND SPIRITUAL IN THE RISE OF SCIENCE THE IMPORTANCE OF HERITAGE. In Euro-Asia Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 369-372).
15. Фрейд З. Я и Оно: сочинения. – Москва: Эксмо; Харьков: Фолио, 2009. –С.864.
16. Сиддиқов, И. (2022). ЎРТА АСР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМ ВА УНИ ЭГАЛЛАШ ОДОБИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(3), 27-33.
17. Камбаров, А. (2022). Илмий ва диний қадриятлар трансформацияси орқали маърифатли авлодни тарбиялаш зарурати. Общество и инновации, 3(2), 87-91.
18. Kambarov, A. A. (2020). ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(9), 158-165.
19. Toshaliyev, D. (2021). A BRIEF PHILOSOPHICAL-SCIENTIFIC ANALYSIS OF MAKOMS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 91-95.
20. Kakharovna, A. M., Tadjimatovich, Y. M., Rakhmatovich, S. O., & Mirzahamdamovna, Q. B. (2021). Modern Approaches to the Teaching of Fine Arts. Solid State Technology, 64(2), 4250-4254.
21. Qurbonova, B. (2017). FINE ARTS ROLE IN DEVELOPMENT SPIRITUAL МИРОВОЗРЕНИЯ PERSONS. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, (2-3), 50.



22. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
23. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).